




ШУКРУЛЛО • ДОСТОНЛАР

ШУКРУЛЛО




1936




ШУКРУЛЛО

достонлар

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИНИ,
АДАБИЕТ ВА САНЪАТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1970



Шукрулло поэзиямизда дostonчилик жанрини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўша олган ижодкордир. Давримизнинг юксалиш йўлидаги муҳим поғоналари, халқ маънавий ҳаётидаги ҳаяжонли дақиқалар Шукрулло дostonларига мавзу бўлган. Шукрулло қатор дostonларида («Россия», «Икки қоя») Октябрь инқилобининг улуғ маҳсули бўлган халқлар дўстлигини куйлашга алоҳида эътибор беради. Шукруллонинг Тошкент зилзиласи мавзуйда ёзган кейинги дostonида унинг ижодий кучга тўлгани айниқса яққол сезилади. Шоир ҳозир ҳам баракали ижод қилаётир. Ушбу тўпламга Шукруллонинг тўртта дostonи киритилган.



ЧОЛЛАР



I

Гурра-гурра чиқмоқда одам
Мажлис тугаб, янги клубдан.
Чоллар, қизлар, йигитлар... Бундай —
Катта йиғин бўлмаган кўпдан.
Қор бўралар, тарқалишмоқда
Далаларга солиб янги из.
Мункиллаган бир гуруҳ чоллар,
Хув, йигитлар яна бир тўп қиз.
Ғижим рўмол, амиркон этик,
Атлас кўйлак (берганлар оро).
Бир-бирига гоҳ отишар қор,
Гоҳ қувлашар, кулки ўзаро.
Ҳар тарафга тарқалди ҳамма...
Ўзар томон чоллар йўл олди.
Данғиллама азамат клуб
Жимжит мағрур орқада қолди.
Бугун кўплар ўзида йўқ шод,
Баъзи бирлар бир оз хомушроқ.
Бугун ҳамма берган ҳосилин,
Ёзги ишин ўйларди бироқ.
— А. Толиббой,— йўлда бурилиб
Сўз бошлади Қўчқорвой ота.
— Разм солсак раис сўзига,
Ҳа, колхозда бу йил иш катта.

Йўлда тўхтаб Самсоққул ота:
— Англамадим,— деди,— нима гап?
Маслаҳатни сўзладингларми?
Анча гапдан қопман ҳаяллаб.
— Бир гап шуки, бу йил колхознинг —
Юрт олдида ваъдаси катта.
Бултур қолоқ звенолар ҳам
40 центнер бермоқчи ҳатто.
Менинг фикрим, белбоғни бойлаб,
Ишга тушсак, яна... колхозни...
— Туриб қолдик, юрайлик,— деди
Бир оз бўлиб Шер ота сўзни,—
Қолган маслаҳатни кечқурун
Чойхонага чиқиб қиламиз.
— Ҳа, отангга балли, чойхона
Шинам бўлган, майли, келамиз.
Қор бўралар, бир-бирин қувлаб,
Лопиллашар олақарғалар.
Тарқалишди чоллар, узоқда—
Мўрилардан тутун тарқалар.

II

Қиш кечаси, кўр ойдин, совуқ.
Қор ёғади бўралаб босим.
Дала бўйлаб рўмол ёпинган,
Ҳасса тутган келар аллаким.
Оппоқ, жимжит бепоён дала,
Қор тагида гўнг уюмлари.
Қор тагида бурканиб оппоқ,—
Кўринади қишлоқ уйлари.
Патирлашар бирдан қарғалар
Уйқусираб терак шохида.
Эшитилар чиябўрининг

Йиғлоқ ули гоҳи-гоҳида.
Ўтиб кетди бир тўп йигитлар,
Қишлоқ томон айтиб ашула.
Ойнавонли чойхона фақат,
Сочиб турар атрофга шуъла.
Ҳар кунгидек табаррук чоллар
Бир-бир бўлди чойхонага жам.
Равшан тортар киришдан таъбинг,
Чинни каби озода, шинам.
Тўртта-бешта кўнгил тортарлар
Алоҳида ўзи бир тўда.
Давра олиб нуроний чоллар
Ўлтиришар юқори — тўрда.
Бир тўп кулар, бир тўп сўзлашар,
Ҳар тарафдан ҳар турли овоз:
— Самоварчи, радиони қўйинг,
Эшитайлик ашула бир оз.
— Хў, Қаюмжон ўғлим, бизга чой!
— Соқолидан, ҳозир, отахон.
Қўли, оғзи асти бўшамас:
— Кимга патнис? Ҳа, келинг меҳмон!
Тўрт томонга елиб-югурар,
Устида тўн, кифгида сочиқ.
Қулоғига уч мириликни —
Қисиб олган, кўкраги очиқ.
Қўш самовар қайнар шақирлаб,
Пиёлани артар қўймай доғ.
Гоҳ карнайни олиб пуфлайди,
Бойлаб олган уч-тўртта белбоғ.
Қўша-қўша чойнак қўлида,
Чой тарқатар, қилар аския.
Оёқ-қўли чаққон, хушбичим,
Не учундир лақаби «Туя».

Хўп зеб берган чойхонасига,
 Газет, радио... жондан бўлак бор.
 Бир бурчакда шифтга осиглиқ
 Садаф нақшли, попукли дотор.
 Тинмай ёпиб-очилар эшик,
 Кириб чиқар кетма-кет одам.
 Чойхонани кўпдан тарк этган—
 Кириб келди Самсоқ ота ҳам.
 Ҳассасини тираб деворга,
 Қоқди телпагининг қорини.
 Разм солар бир оз тўхталиб,
 Билмоқ учун ким йўқ-борини.
 — Бардаммисиз?
 — Марҳамат!
 — Келинг!
 Ҳамма унга кўрсатар ўрин.
 Кириб келди Қўчқор ота ҳам,
 Бир-бирига ишқалаб қўлин.
 Қулоғини, чамбарак қилиб,
 Боғлаб олган қийиғи билан.
 Қуюқ — қисқа мош-гуруч соқол,
 Йигитлардек серсавлат, баланд.
 Салқи қилиб белбоғ боғлаган
 Тўн устидан, бир оз қориндор.
 Қўкраклари очиқ, қир бурун,
 Қиш совуғи унга қилмас кор.
 Ҳа, касби шу, одати шундай,
 Худди эшигидек турмас тек.
 Қўчқор ота тўрга ўтаркан
 Кўп чоллардан кўринди тетик.
 — Толиббойми?.. Жамоа жам-ку,
 — Қани-қани ўтинг юқори.
 — Тетикмисиз?
 — Мол-жон омонми?

— Хўп эринмай ураяпти қор.
 Ўлтиришар Толиббой ота,
 Қўчқор ота, Шер ота, яна...
 Гаплашишар ўтган-кетгандан,
 Кўрпачада қуриб чордона.
 Ишлар эди аввал колхозда,
 Боғбон бўлиб, бўлиб пахтакор.
 Шермат ота чойхонага бош,
 Ҳар бирининг ўз ҳунари бор,
 Нафас олар Самсоққул ота
 Мусичадек ҳамон ҳарсиллаб.
 Артиб олди қор томчиларин
 Соқолидан бир қўллаб силаб.
 — Ер эмаклаб келдим зўр-базўр,
 — Анча қариб қопсиз, Самсоққул.
 — Бу ёққан қор фақат ошу нон.
 Киш қишлигин қилгани маъқул.
 — Чакки бўлмас бу йилги баҳор,
 — Чигит экиш кечикмаса бас.
 — Ҳосилгача ҳали иш кўп.
 — Гап бир чигит экишда эмас.
 Парвариши сал кечикдими,
 Шунинг ўзи энг катта офат.
 — Бу гапингиз тўгри, Қўчқорвой,
 Бари меҳнат қилишда фақат,
 Пахта билан соқол оқарди.
 Бу — терталаб, кўп инжиқ, мушкул.
 Хе, бор сири беш қўлдек аён,
 Пахта экдик сал кам олтмиш йил.
 — Хотирамда, эс-эс биламан,
 Сув талашиб уришганингиз.
 Бай-бай, бай-бай, асти сўзламанг,
 Шундан қолган чаккамдаги из.
 Ҳаҳ, не кунлар бошдан кечмади,

Бир култум сув жонга тенг эди.
Куч-қуввати борга, Қўчқорвой,
Пахта экиш меҳнатми энди.

.

— Мучалингиз нима, Толиббой?
— Асп... Ҳамдуна... ҳа, дарвоқан сак.
— Олтмиш етти?!
Қўчқорвой билан
Ажаб эмас унда тенг бўлсак.
— Олтмиш етти?.. Ёш экансизлар,
— Ҳа, Фарҳодда ташидик тупроқ.
— Қариганда куч кетаркану
Ғайрат асил қоларкан ...
— Шундоқ.
Сўзлашишар шошмай, эринмай,
— Бари сирдош, тенгқур, маҳалла.
Бир-бирига касб, феъл аён,
Бирга кечган ёшлик маҳаллар.
Ёши қайтиб булар ичида
Самсоқ ота қолган иш-кучдан.
Пахта илмин расо билади,
Қўп табаррук, ошган етмишдан.
Селкиллайди оппоқ соқоли,
Қоши қуюқ, чимрилган, бароқ.
Янги кийган гуппи устидан
Бойлаб олган симоби белбоғ.
Мижжалари қизариб турар,
Ёшланади тез-тез кўзлари.
Олди тиши тўрт-бешта қолган,
Аниқ чиқмас гоҳо сўзлари.
Лекин ҳикмат ҳар битта гапи,
Маслаҳатгуй бутун қишлоққа.
Колхоз тузган, ишбоши булган,

Айлантирган тўқайни боққа.
Мироб бўлган бир неча йиллаб,
Кўп ариқлар очган бу ота.
Кўкрагида ордени ҳам бор,
Ҳурмат қилар кичикдан-катта.
— Пиёлани олинг, Қўчқорвой.
— Чақирайлик яна битта чой?
Чойнагини силқиб, силкитиб
Сўнг узатди:— мана Қаямбой!
— Тўғри, одам қариганида
Бўлар экан ишга тутаноқ.
Ишласак ҳам, ишламасак ҳам
Ҳеч ким мажбур қилмайди, бироқ
Кўз қўрқоғу кўл ботир деган.
Боғнинг ўрни эди янтоқ қир.
Биздан кейин қоладиган шу—
Бинойидек боғ бўлди ахир.
Бекор юриб нима ҳам қилдик,
Шукур, ҳали қувватимиз бор.
Мундоқ қараб ичинг пишаркан...
— Ҳа, бекордан худо ҳам безор.
Бу йил план тўлмасдан қопти.
Халқимизнинг юзига бу доғ.
Энди қараб туриб бўлмайди,
Яна белга боғлаймиз белбоғ.
Қўчқор ота нимадир ўйлаб
Бошин эгиб қолди тубанга:
— Маслаҳат-ла звено тузсак,
Бирники мингга, мингники туманга.
Уруш битгач, ишламай қўйдик,
Ўзимизни сийладик шунча.
Кексалар деб қўлда кўтардилар,
Унутмаймиз ўла-ўлгунча.
Қолхоз билан маслаҳатлашсак,

Сузимизни қолдирмас ерда.
Чоллар бари қўшилди бунга:
— Қувватимиз етарли белда.
Баъзи ёшга солиштирганда
Демаса ҳам бўлади қари.
Хў, Нортоннинг ўғли Холмат-чи,
Кўп дангаса чиқди ҳувари.
Ақл деган ёшдамас, бошда,
Салим билан бўлмаса тенгқур.
— Қайси бўлди?
— Тракторчи-да.
— Ҳа, танидим, барака топкур—
Кўп меҳнаткаш йигит бўлган-да.
У топади феълига лойиқ.
— Нима дейсиз, депутат бўпти,
Хоҳлаганмиш уни халойиқ.
— Бўлсин-бўлсин, етим бечора,
Газетада ҳам чиқибди номи.
— Э, Шерматвой, бир эшитайлик,
Нима депти, газета борми?
Шермат ота булар ичида
Гапга чечан, саводхон, тетик.
Чойхонанинг оқсоқоли у,
Бошда дўппи, оёқда этик.
Соат осган кўкрак чўнтакка,
Тугмасига бойлаган ипин.
Чойни ҳўплаб қараб олди у
Соатига, радиога секин.
Чолларга хос эҳтиёт билан,
Ён чўнтакдан ойнагин олиб.
Рўмолига артиб, ўқиди
Газетани чироққа солиб.
Эшитади кўзини юмиб
Қуйи солиб бошин баъзиси.


Сўроқ қилиб ўзи-ўзича,
Чақишади гапнинг мағзини.
Хўп таажжуб замон бўлди-да.
— Эркак-аёл, ёш-қари теп-тенг,
Бўпти қилса ишини удда.
— Эй, бўлмаса бир тракторчи,
Мардикорнинг ўғли, етимча,
Даври кепти, эл-юрт хоҳлапти,
Обру-ҳурмат топипти шунча.
— Ўзи ҳам хўп тинимни билмай,
Қорамойга чўмиб ишлади.
— Боракалло, ҳамма гап шунда.
Ахир ваъдасини ушлади.
Қолхозини, юртни ўйлади.
— Шунақани сайлайди-да халқ.
— Яхши бўлса Эшмат-Тошматми,
Ҳукуматга ҳаммаси бефарқ.
Мижжадаги ёшини артиб
Белбоғига Самсоққул ота:
— Бу кунларга минг қатла шукур, —
Дея сўзни бошлади аста.
— Мунча одил, мунча халқпарвар,
Ер юзида бўлмаган пошшо.
Кўрмаганман шу ёшга келиб,
Сайлов кўни тўю томоша.
Шермат ота газетни буклаб,
Чўнтагига қилди саранжом.
— Тўй қаёқда, ими-жимиди
Сайланарди битта зўравон.
— Ҳў, кимга чой?
— Қани бу ёққа.
— Мана ҳозир бари гатов-да.
— Дуторни ҳам ола келсинлар,
Гап бўлинди қизиган топда.

Алиев ҳам келиб қолгандир,
Тиними йўқ ҳеч бечорани.
Қолхоз учун хўп жонкуяр-да.
Ҳа, бўлмаса турайлик қани.
Толиб ота кўрди соатин,
Чоллар аста турди ўрнидан,
Ташқарида қор бўраларди,
Тарқаларди тутун муридан.

III

Дала жимжит, атроф оппоқ қор,
Ерга тегар қор буркаган тол.
Кабинетда парторг Алиев,
Раис, яна тўртта-бешта чол.
Деразада дарахтлар нақши,
Уй ойнаси яхлаган қат-қат.
Чақирганди парторг чолларни
Олиш учун фикр, маслаҳат.
Қандай тузса бу йил режани
Ва бошласа ишни қаердан.
Булар ахир асил деҳқонлар,
Пахта билан қадим қадрдон.
Бу чолларнинг ишлаш фикрини
Эшитганди Алиев аввал,
Бугун ўша масалани ҳам
Улар билан қилмоқ бўлди ҳал.
Кўчқор ота айтди мақсадни:
— Маъқул тушса агар сўзимиз,
Пахта эксак беш гектар ерга,
Бир звено бўлсак ўзимиз.
Кексалар деб ўйламанг зинҳор
Ишга кучу ихлосимиз зўр.
Чоллар секин бош силкиб қўйди,

Бу сўз жуда бўлгандек манзур.
Имо қилди раис парткомга,
Чоллар фикри дегандек маъқул.
Уйлар эди недир Алиев,
Тираганча чаккасига қўл.



Боз ўртага чўкди сукунат,
Банд айламиш қандай фикрлар.
Қўчқор ота тугатди сўзин,
Ҳамма Алиевга тикилар.
— Бу сўзингиз ўринли, аммо...—
Сўзга кирди Алиев секин.
— Куч-қувватда ҳеч кам демаймиз,
Бир томонин уйлайлик, лекин:
Фахрланар сиз билан колхоз,
Тажрибасиз ёшларимиз бор.
Қўплар билмас қари билганин,
Сизлар ахир эски пахтакор.
Бўлинсангиз ҳар звенога,
Бу яна ҳам бўлмасди чакки.
Унутмайлик ёшларни ҳеч вақт,
Шундай қилсак дурустдир балки.
Звеновод ё боғбон бўлиб,
Ишлай берсак ҳар жой, ҳар жойда.
Ҳаммаси ҳам колхознинг иши,
Келтиради бу катта фойда.

Маъқул тушди ҳаммага бу гап
Ва қўшилди ҳамма сўзига.
Мехр билди боқарди чоллар
Партком Алиевнинг сўзига.

IV

Оппоқ ойдин. Ҳайдалган ерлар
Кўпчиб ётар, шудрингдан нам.
Аҳён-аҳён хўроз қичқирар,
Жимжит дала, қишлоқ, уйлар ҳам.
Жимжит дала. Ер ўртасида
Бир туп ўрик гуллаган оппоқ.
Ел эсади. Ҳаво гўдакнинг
Нафасидек ёқимли, юмшоқ.
Эшитилар аллақаяқдан
Тош қўпориб сойнинг оққани,
Томорқада аллакимнингдир,
Мол арқонлаб қозик қоққани.
Қаллакланган тутлар кўринар,
Соя солиб ер этагида.
Уюм-уюм зовур балчиғи
Қотиб ётар унинг тагида.
Тариллайди трактор текис,
Ер палахса-палахса кўчар.
Кўринади милт-милт чироғи
Узоқлардан, гоҳ ёниб ўчар.
Ҳайқирғин олиб қочар ел,
Таққа тўхтаб жим бўлди бирдан.
Сукут чўкди. Тинмасдан бирдек
Саъва сайрар аллақаяерда.

Ой чўкмоқда, уйлар девори
Теваракдан кўринар яққол.
Шудгор бўйлаб келади ёлғиз
Малла каноп чакмон кийган чол.
Кўринмайди белида белбоғ.

Узун енгдан қўли кўринмас.
Шахдам юриб борарди, аммо
Ер устида тўхтади бирпас.
Ҳо-о-ой! Ҳайқириқ бутун далани
Силкигандек ларзага солди.
Яна жимлик. Ўрик гулига
Гўё товуш сингиб йўқолди.
Олазарак чолнинг кўзлари...

Ботиб борар кўнждан тупроққа
Ё ғазабдан, ёки ер юмшоқ.
У кимнидир излайди тунда,
Гоҳ атрофга солади қулоқ.
Ўз-ўзича борар пичирлаб,
Ишонмасдан кўзин уқалар.
— Бутун бошлиқ трактор билан,
Қайга ғойиб бўлиб йўқолар.
Уйқу босиб, наҳот донг қотиб,
Кўнгли тинчиб ухласа Салим.
Наҳотки у унутган бўлса,
Звенонинг экиш мўлжалин.
Не ҳодиса... Гар тирик бўлса,
Шогирдидан бермасми хабар.
Ё мақтаган трактор бирдан
Ишдан чиққан. Бир мўъжиза бор
Тракторнинг ҳар бир винтига
Юрагини қўйгундек эди.
Ғазабидан «ношуд» Салимни
Худди бўғиб қўйгундек эди.
Чол уйланар, бармоғи билан
Соқолини ямлаб тарарди.
Ҳу, узоқда ёнди аланга,
Унга ҳайрат билан қарарди.

— Қумғонларни қани, йиғиштир,
 Ҳа, бўла қол тезроқ, акаси.
 Бригаданинг еридан бугун
 Қутулайлик бирваракаси!
 Тамакини тортар Салимжон,
 Чиқаради бир мўри тутун.
 Тамакиси гуп этиб ёнди,
 Қоп-қора мой юз-қўли бутун.
 Яллиғланиб қирга ой ботар,
 Толлар узун ташлайди соя.
 Бир чеккада кесакдан ўчоқ,
 Барра узра қумғон, пиёла.
 Салим ушлаб фонис бир қўлда,
 Тракторни айланиб кўрар.
 Мойли пахта ловиллар ерда,
 Салим рулда. Мотор гувиллар.
 Қўчқор ота, қаршисида жим,
 Оғиз очмай қараб туради.
 Ўз ерига боқар аланглаб,
 Қўнгил учун ҳорманг демади.
 Унутдими у ўз одатин,
 Салим сабабини билмади.
 Гувиллайди трактор ҳамон,
 Ирғиб тушди рулидан Салим.
 — Ҳорманг, отам, тинчликми ўзи?!
 Вақтида тахт ваъда, мўлжалим!
 Қолдирмадим кетмон урар ер.
 Оёқ қўйган ботади белдан.
 Қутуламан, ҳа деяверинг,
 Бригаданинг бутун еридан.
 — Барака топ, ўғлим, кўп яша,
 Энди келдим ўзимга бир оз.